

## **Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сон Қонуни, 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони, 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони, 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармони, 2023 йил 30 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, 2021 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5055-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 573-сон, 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати (бундан буён матнда муассаса деб аталади)нинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Муассаса юридик шахс мақомига эга бўлган, Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилот бўлиб, ўзининг мустақил балансига, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва банк муассасаларида миллий валютадаги ҳисоб рақамларига, ўзининг номи ёзилган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган думалоқ муҳрга ва бурчак тамғасига эга бўлиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ, номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. Муассаса ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари (йиғилиш баёнлари топшириқларига), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига (йиғилиш баёнлари топшириқларига), Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг буйруқлари ва ҳайъат қарорларига, кенгайтирилган йиғилиш

қарорларига шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Ташкилот Ўзбекистон Республикасининг Сув хўжалиги вазирлиги муассислигида ташкил этилиб, бевосита вазирликка бўйсунди.

5. Ташкилот ўз мажбуриятлари бўйича бюджетдан ажратилган ва бошқа пул маблағларидан оқилона, мақсадли, самарали ва тежамкорлик билан ишлатилишини амалга оширади.

6. Ташкилотнинг расмий номи :

а) давлат тилида:

тўлиқ – Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати, қисқартирилгани – МДКваКХ;

б) рус тилида:

тўлиқ – Центральная диспетчерская, коммуникатсионная и кадастровая служба, қисқартирилгани – СДККС;

в) Инглиз тилида:

тўлиқ – Central dispatching, communication and cadastral service, қисқартирилгани – CDCCS.

7. Муассасанинг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1 “А” бино.

## **2-боб. Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизматининг асосий вазифалари ва функциялари**

8. Муассасанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида давлат сув кадастри, гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш, автоматлаштирилган сув ресурсларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, сув кадастри ҳамда гидротехник иншоотлар кадастри билан боғлиқ маълумотларни олиш, идоралараро ўзаро маълумотлар алмашиш, уни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайдиган автоматлаштирилган тезкор тизимни йўлга қўйиш;

Ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармалари, магистрал канал (тизим) бошқармалари ва туман ирригатсия бўлимлари учун давлат сув кадастри, гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш бўйича услубий кўрсатмаларни, давлат сув кадастри, гидротехник иншоотлар кадастрини нашрлари макетларини ва бошқа норматив-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритилишитиш таъминлаш ҳамда сув хўжалиги масалалари бўйича кунлик, оператив (тезкор) маълумотларни олиш, уларни таҳлил қилиш;

сув хўжалиги соҳасида мавжуд ахборот тизимларини даврий маълумотлар билан доимий тўлдириб бориш ишларини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш;

сувнинг ҳисобига оид замонавий ахборот тизимларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

замонавий ахборот тизимлари ёрдамида рақамли қурилмалар маълумотларини жойларда доимий мониторингини юритиш ҳамда уларни ҳаққонийлигини таҳлил қилиш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобдаги сув ўлчаш қурилмалари ва воситаларининг ишчи ҳолатда сақлаб туриш бўйича керакли тадбирларни амалга ошириш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобдаги сув ўлчаш қурилмалари ва воситаларининг метрологик ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини назорат қилиш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобдаги ирригатсия тармоқларида жойлашган сув олиш нуқталарини сувни бошқариш ва сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланишини назорат қилиш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобдаги сув ўлчаш воситаларини белгиланган тартибда тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказилишини ташкил этиш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобдаги сув олиш нуқталарига сувнинг кундалик ҳисоб журналлари расмийлаштирилиши ва белгиланган тартибда тегишли Давлат ташкилотларидан рўйхатдан ўтказилишини назорат қилиш;

сув ҳисобини юритиш бўйича замонавий сув ўлчаш воситаларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобдаги ирригатсия тармоқларидаги сув ўлчаш қурилмаларида назорат-ўлчов ишларини доимий олиб борилишини ташкил этиш;

сувдан фойдаланувчилар, ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш;

ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ва оқилона таъминлаш чораларини кўриш;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун жавобгарлигини кучайтириш, сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш лимитларига амал қилиниши, сувдан самарали ва тежамли фойдаланиш устидан тизимли мониторинг юритиш;

сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш ҳамда суғоришда сувни тежайдиган технологиялар ва услубларни жорий қилиш борасида халқаро ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

вазирлик тизим ташкилотларидан Сув хўжалиги масалалари бўйича кунлик, оператив (тезкор) маълумотларни куну-тун олинишини, уларни таҳлил қилиш ҳамда вазирлик раҳбарияти ва тегишли идораларни таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш;

вилоятлардаги асосий гидромелиоратив объектлар, сув омборлари, йирик насос станциялар, иш режимлари ҳамда шўр ювиш, ер майдонларини суғориш ишлари бўйича мониторинг олиб бориш;

график асосида чекланиб қўйилган миқдорда сув олишни таъминлаш (тасдиқланган асосий кузатиш нуқталари орқали), амалий фойдаланишига олинган сув миқдори тўғрисида ҳар куни белгиланган шаклда маълумот

тайёрлаш ҳамда ҳолатини таҳлил қилиш, гидротехник иншоотларнинг ишлаш режимини назорат қилиш, сув олиш ва чиқариш миқдорини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

йирик сув иншоотлари ва сув омборларидаги сув ҳажми миқдорини кузатиб бориш ва уларни ошириш ёки камайтириш ҳақида топшириқлар бериш, суғориш ишларини бориши тўғрисидаги маълумотларни ва амалий фойдаланишга олинган сув миқдорлари тўғрисида ҳар кунлик белгиланган шаклда маълумот тайёрлаб бориш ҳамда сув хўжалиги соҳасидаги дарё ва сойлар, йирик магистрал каналлар, сув омборлари, суғориш қудуқлари, зах қочириш тизимлари ва насос станцияларининг ишлаш режимлари бўйича кўп йиллик мавжуд маълумотлар базасини янгилаб бориш;

давлат сув кадастри, гидротехник иншоотлар кадастрини (Давлат сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини) юритиш ва такомиллаштириш;

судан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни назорат қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга оид усуллар, алгоритмларни ҳамда машиналаштирилган дастурларнинг назоратини олиб бориш;

сув кадастри автоматлаштирилган маълумот тизимининг функционал кичик тизимларини синаш, жорий этиш ва такомиллаштириш;

вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ҳисобидаги насос станциялари, тик мелиоратив ва суғориш қудуқлари, энергетика, объектларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва ривожлантириш соҳасида техник сиёсатни амалга оширишни ташкил этиш;

насос станциялари, тик мелиоратив қудуқлар ва суғориш қудуқлари, энергетика, автоматика ҳамда телемеханика воситаси объектларининг техникавий такомиллаштириш ишларида қатнашиш;

илмий техника ишларини ишлаб чиқишни, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибаларни жорий қилишни ташкил этиш;

насос станциялари, тик қудуқлари, энергетика, автоматика ҳамда телемеханика воситаси объектларида техник назоратни амалга ошириш;

### **3-боб. Ҳисоб-китобларни юритиш ва ҳисобот бериш**

9. Ташкилот ўз фаолияти асосида бажарадиган ишларини белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан харажатлар сметаси ва штатлар жадвали тасдиқланади.

10. Ташкилотнинг ўз ихтиёрида қоладиган маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

11. Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизматининг фаолиятини молиялаштириш ва ходимларининг меҳнатига ҳақи тўлаш давлат бюджет маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

#### 4-боб. Ташкилотнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. Ташкилот қўйидаги ҳуқуқларга эга:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, жумладан сув хўжалиги тизим ташкилотларидан ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ва ўз ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

кадрларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатларда ўқитиш ва тажриба алмашишлари бўйича таклифлар киритиш;

ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида белгиланган тартибда сув хўжалиги соҳасига доир илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда тажрибалар ўтказиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ҳолларда шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш ва хизматлардан фойдаланиш.

13. Ташкилот қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

14. Ташкилот ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича жавобгар ҳисобланади.

#### 5-боб. Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизматининг таркибий тузилмаси



Изоҳ: Жами бошқарув ходимлари итат бирликларини сони – 25 бирлик (хизмат кўрсатувчи ходимлар сони меъёрдан келиб чиқиб аниқланади)

15. Ташкилот фаолияти муассасанинг бошлиғи томонидан бошқарилади.

Ташкилот бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ташкилот бошлиғи ўринбосари вазирлик билан келишилган ҳолда ташкилот бошлиғининг буйруғи билан вазифага тайинланади ва ундан озод қилинади.

Ташкилотнинг бўлим ва шўба бошлиқлари ҳамда ходимлари шу жумладан бухгалтерия ҳисоби амалдаги тартиб қоидалар асосида ташкилот бошлиғи буйруғи билан вазифага тайинланади ва ундан озод қилинади.

16. Ташкилот бошлиғи:

ташкилот фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда ташкилотга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этади;

Давлат сирлари ва махфий ахборотлар тоифаларига киритилган ахборотлар билан ишлашда қонун ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилади;

Ташкилот номидан иш олиб боради ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда уни ифодалайди;

Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепсиялар, комплекс дастур ва комплекс чора-тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг буйруқлари бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини самарали ва натижали ижро этилиши шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан, муассаса фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш учун ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўради;

Ходимлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг

намунавий қоидалари асосида вазир томонидан тасдиқланадиган ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, ташкилот ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ, ташкилотда коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шартларни бартараф этади;

ходимларнинг мунтазам малакасини оширишни ташкил этади;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг мутахассислигига талабларни белгилаш ва самарали фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратади;

ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолишининг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чоралар кўради;

ташкилот фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ташкилот даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилинишини таъминлайди;

ташкилот ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ташкилот олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ҳимоя қилади, давлат муассасаси номидан келишувлар ҳамда шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди ва амалга оширади;

шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Ташкилот раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда ташкилот манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан, корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

18. Ташкилот раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда ташкилот манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши шарт, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, меҳнат юзасидан ҳуқуқ муносабатларидан келиб чиқадиган барча талаблар ва уларга тенглаштирилган тўловлар қондирилиши, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли ташкилотга етказилган зарар, шу жумладан, ташкилотга берилган давлат мулки нобуд бўлиши ҳолларида етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19. Ташкилот раҳбари ишда бўлмаган пайтда (меҳнат таътили, хизмат сафари, касаллик даври) ўз мажбурият ва ваколатларини ўринбосарига буйруқ билан юклатади.

20. Қонун ҳужжатларига кўра муассаса раҳбарига бошқа функционал мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **6-боб. Ташкилотнинг мулки**

21. Ташкилотнинг ўзига бириктириб қўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

22. Ташкилотнинг мулки оператив бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк бўлиб, бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

23. Ташкилот мулкининг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

24. Ташкилот мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва у ташкилот ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

### **7-боб. Ташкилот фаолиятини назорат қилиш**

25. Ташкилот ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилишини таъминлайди.

26. Ташкилот фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилот ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

### **8-боб. Ташкилотни тугатиш ва қайта ташкил этиш**

27. Ташкилотни тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларда амалга оширилади.